

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ФРАНЦУЗ ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ

**ФРАНЦУЗ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИ ВА ТИЛ ТАРИХИ
КАФЕДРАСИ**

ҚЎЗИЕВА НАФОСАТ

КУРС ИШИ

**МАВЗУ: “СОСТАВЛИ ГАПЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ”**

Т О Ш К Е Н Т - 2009

КИРИШ

Составли гапларнинг семантик ва синтактик хусусиятлари

Бир составли гаплардаги бўлакнинг синтактик табиати хусусида

Гапнинг доимий ёки ўзгарувчан элементлари

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Гапнинг қисмларга ажралишининг долзарблиги ва классик грамматиканинг долзарб синтаксис назарияси параллел ривожланишини давом эттиряпти.

Анъанавий ёки классик грамматикада оддий синтактик қурилишига эга бўлган қўшма сўзлардан тортиб, мураккаб сўзлар мазмун-моҳиятигача улар орасидаги муносабат шакллари ва ниҳоят уларни системалашгача синтактик муносабатлар намоён бўлади.

Француз тили синтактик структурасининг семантик таҳлили XIX аср ва XX асрнинг машҳур романнавислари ишларида ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган. Тажрибадан тўпланган фактлар ва уларни системалаштириш тамойиллари лингвистикада замонавий йўналиш нуқтаи назаридан ташкил топган.

Синтаксиснинг асоси гап ҳақидаги таълимотдир. Синтаксисда сўзларни бириктириб гап қуриш (шу жумладан, бир сўздан гап ҳосил қилиш) қоидалари, гапнинг структураси, функцияси, қўлланиши, гапларнинг ўзаро муносабати каби масалалар текширилади, бунда ҳодисанинг мундарижаси – мазмуни ҳам (ниманинг ифодаланиши), формаси ҳам (қандай йўл билан ифодаланиши) назарда тутилади.

Нутқнинг грамматик форма, интонация ва мазмун жиҳатидан тугалликка эга бўлган мустақил парчаси гапдир. Сўз бирикмаси бундай хусусиятларга эга эмас, у гапда қурилиш материали бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун гап ҳақида таълимот синтаксиснинг асоси саналади.

Синтаксис термини, грамматика терминининг ўзи каби икки маънода қўлланилади:

- 1) тилнинг синтактик қурилиши, унинг қонуниятлари;
- 2) тилнинг грамматик қурилиши ҳақидаги фаннинг грамматиканинг бир қисми.

Мавзунинг долзарблиги: Тилшунос олимларнинг синтаксиснинг тил системасида тутуган ўрнига бағишланган тадқиқотлари талайгина. Лекин ҳозирги даврда француз тилидаги содда гаплардаги синтактик муносабатлар сўз бирикмалари ва қўшма гаплардан алоҳида ҳоли тўлалигича ўрганилмаганлигидир.

Француз тилидаги содда гапларда синтактик муносабатларни тадқиқ этиш жараёнида асосий мазмун моҳиятини ёритиш ҳамда уларга хос бўлган хусусиятларни очиб бериш тадқиқотимизнинг долзарб жиҳатлари ҳисобланади.

Ушбу тадқиқотнинг назарий хулосалари ва манбалари француз тилидаги содда гапларнинг ифодаланиши ҳусусида маълумот олишга имкон беради. Содда гапларнинг синтактик муносабатларига доир тўпланган материаллар олий ўқув юртларининг филология факультетларида, грамматиканинг “синтаксис” бўлими учун манбаа сифатида фойдаланиши мумкин.

Составли гапларнинг семантик ва синтактик хусусиятлари

Гап – фикр, туйғу ва истакни бошқаларга билдириш учун ишлатиладиган асосий синтактик бирлик бўлиб, фикр баён қилишнинг энг содда формасидир.

Тил воситаси билан алоқа – аралашувда, фикрни ифода қилишда, информация процессида инсон гапдан фойдаланади – инсон гапмради. Демак, сўзларнинг аралашув процессидаги ҳолати нутқда – гап ичида, одатда, бошқа сўзлар билан боғланиб қўлланишидан иборатдир: гап сўзлардан ташкил топади.

Одамларнинг бир–бирларини англаб, бир–бирлари билан фикрлашишларида – гаплашишларида, алоқада восита бўлиш, фикр баён қилиш тилнинг асосий вазифасидир. Бу – тилнинг коммуникатив функцияси.

Гап – грамматик жиҳатдан ташкил топган, составидаги элементлари бир яхлит ҳолга келган, семантик, интонацион бутунликка эга бўлган синтактик

бирлик, у фикр билдириш, хабар бериш вазифасини бажаради, шу билан бирга эмоцияларни – ҳис – туйғуларни билдириш учун қўлланилади.

Гап бир – биридан фарқ қилувчи кўп кўринишли таркибга эга:

- структурал схема ва фикр баён қилиш;
- семантик, логик – коммуникатив ва синтактик даража;
- предикатив даража;
- доимий ва алмашинувчи элементлар: 1) модус ва диктум; 2) структурал схема ва лексик мазмундорлик.

Гапнинг 2 та аспекти фарқланади:

1. Гапнинг структурал схемаси (моделли) ҳар бир ҳолатда типовой лексик қўшилув ва умумий типовой мазмунга эга, масалан

S-----	V-----	O
Эга	кесим	тўлдирувчи
(N жонли)	(ўтимли феъл)	(N аник)

Умумий маънода – субъектнинг объектга муносабати структурал – семантик моделни ҳосил қилади.

Типовой лексик қўшилув структурал схема билан маълум бир турга мансуб сўзлар тўғрисида тушунча беради. У тил системасига тегишли соҳадир.

2. Гапнинг асосий белгиларидан бири унинг структурасидир. У ўзининг формал шаклланиши, мазмуни, бўлақларнинг боғланиш йўли ва функцияси билан сўзга ва сўз бирикмасига зид туради, масалан Pierre lit “Notre Dame de Paris”, Le chat a attrapé la souris ва х.к.

“Гап” термини тилшуносликда “структурал схема, модель” ёки “фикрни баён қилиш” маъноларида қўлланилади.

Фикр ифодалашнинг ўзига хослиги нутқнинг энг кичик тил бирлиги сифатида грамматик қурилиш ва интонацион схема ўзаро алоқасида намоён бўлади. Фикрни баён қилишда сўз ва грамматик формалар “қурилиш материаллари” бўлиб хизмат қилади. Ва улар конкрет ҳолатларда бажарадиган функциясига кўра турли хил маъноларни намоён этади.

Маълум бир вазиятга хос фикр баён қилиш ҳолати олмош, артикл ва бошқа детерминативларнинг ўрин алмашилиши билан боғлиқ. Бунда фикр баён қилиш танлаш хусусияти орқали ҳарактерланади. Бироқ у барча элементлар иштирокида маълум бир парчада фикрни тўлиқ баён эта олмайди. Предмет логик модел ҳолатини тафаккурда шакллантиради. Сўзловчи унинг элементларини ўзи танлаб олиши ва гуруҳларга бўлиши мумкин. Бу бир ҳолатни ҳар хил усуллар билан тасвирлашга имкон беради ва бу вариантлик масаласини юзага келтиради. Бироқ ҳар бир тилда ситуацияларни тасвирловчи элементларни анъанаси (тенденцияси) ҳар хил. Масалан, француз тилида ўзбек тилидагига қараганда аниқ ситуацияда гап таркиби кўрсатилади. Қиёслаймиз:

Ўзб.тилида: тушунарлими? – Ҳа, тушунарли.

Фран.тилида. **Vous comprenez? – Oui, je comprends.**

Француз лингвистлари фикрни таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратадилар. Фикр баён қилишнинг умумий назариясида улар *énoncé* (фикр маҳсули нутқ) ва *énonciation* (нутқ, гап–фикр, мулоҳаза жараёнида туғилади.)

Бенвенист, Францияда фикр баён қилишни тадқиқ қилишнинг ташаббускорларидан бири, гапни нутқ процессида ҳосил бўлишини аниқлайди. Асосий эътиборни у нутқда сўзловчининг ролини, унинг объектга муносабатини ажратиб кўрсатади.

Дюбуа нутқ ҳосил қилишнинг 4 та параметрини кўрсатиб ўтди: а) дистанция (сўзловчининг тингловчига нисбатан алоқадорлиги олмошлар ёрдамида акс этади.), б) модаллаштириш (модал сўз ва модал форма (шакл)лардан фойдаланиш); в) “тиниклик”, “шаффофлик” сўзловчининг тингловчи учун фикрнинг тушунарлилик даражаси; г) “ният, мақсад, интилиш” (*tension*), ҳис туйғу, эмоционаллик шакллари кўлланилиш ифодаси. Бу параметрлар адабий жанрлар спецификаси ва индивидуал авторлар услубини яратади.¹

¹ Dubois J. Enoncé enunciation. – Langage, 1969. P., 1967

Гап 3 даражада таҳлил этилади: семантик, логик–коммуникатив ва синтактик.

Гапнинг тугал фикрни ифодалаши унинг семантик томонидир. Гапдаги сўзларнинг ўзаро семантик муносабатга кириши ўша сўзлар билан ифодаланган тушунчаларнинг муносабатини, объектив воқеликдаги – реал бирликдаги предмет ҳодисаларнинг алоқасини билдиради. Бу алоқалар натижасида гапнинг мундарижаси ташкил топади ва ифодаланади.

Гапнинг семантик структурасини семантик синтаксис ёритади. Гапнинг семантик структураси – мундарижаси – унинг модели билан боғлиқ.

Гапнинг мундарижасида икки ҳодисанинг бирлашганлигини кўрамиз: объектив фикр (гап орқали реал воқеликдаги ҳодисаларнинг, улар орасидаги алоқа – боғланишларнинг ифодаланиши) ва субъектив муносабат (субъектнинг шу гапда ифодаланаётган мазмунга муносабатининг – қарашининг кўрсатилиши).

Масалан, семантик субъект эга билан ифодаланиши мумкин: **Jean est arrivé; J'ai peur; Les ouvriers construisent cette maison;** тўлдирувчи билан ифодаланиши мумкин: **La maison est construite par les ouvriers; Il m'est difficile de trouver cela;** аниқловчи билан: **L'arrivée de Jean; Ma peur, etc.**

Шунингдек, номинатив аспектда ифодаланган мазмунни сақлаш учун ва уни шаклини қайта ҳосил қилишда тилшуносликда пропозиция термини ишлатилади. **Jean est arrive; l'arrivée de Jean ; Jean arrivé (hier) ...** сўзи умумий пропозицияга эга.

Логик – коммуникатив даража гапнинг ахборот бериш вазифасини акс эттиради. Логик субъект (тема) фикр билдирилаётган предметни билдиради, логик предикат (рема) – тасвирланган субъект ҳақидаги янги информация, белгидир. Логик субъект (тема) ва предикат (рема) тилда турли хил алоқа воситалари (сўз шакллари, сўз тартиби, интонация ва ҳ.к.) билан ифодаланади.

Синтактик даража гапнинг ташқи структурасини акс эттиради. Синтактик субъект (эга) ва синтактик предикат (кесим) аниқ морфологик ва

синтактик ҳарактерга эга. Масалан, француз тили учун феълнинг шахс – формасини кўрсатувчи кесимнинг феъллик хусусияти ҳарактерли ҳол.

Икки составли содда гапларда учта даража синтаксик, логик ва семантик субъект бир–бирига мос тушади.

Даража

Синтаксик	эга	кесим
Коммуникатив	тема	рема
Семантик	субъект (иштирокчи)	предикат (ҳаракат)

Бироқ параллеллик бузилиши мумкин.

Il est arrivé un wagon, гапида *il* – грамматик субъект (эга), *Il est arrivé* – логик (ички қонуниятли), *un wagon* – семантик хусусиятга эга. **C'est Pierre qui parle** гапида *Pierre* – грамматик ва семантик субъект, *qui parle* – логик предикат; **Marchons plus vite!** Гапида – семантик субъект – *ons* феъл шахс-сон шаклида ифодаланган, *marchons* – логик предикат, грамматик белгиси (эга) тушиб қолган.

Синтактик даражани биз эга ва кесимни формал белгиларига кўра фарқлаймиз. Агар гапда феъл тушиб қолган бўлса, эга ва кесим логик структура жиҳатдан аниқланиши мумкин.

Фикр ифодаланиш формаси нуктаи назаридан қараганда бу учта даража билан гапнинг таҳлили тугамайди. Унга яна гапнинг эмоционал – экспрессив аспекти кўрсатиш мумкин.

Бу эмоционал – экспрессив хусусият сўзловчига субъектнинг кечинмаларини етказди. Нутқий фикр гап схемасидан фарқли ўлароқ аниқ тузилишга эга бўлади. Кириш сўзи, ҳамсуҳбатининг ҳатти-ҳаракатига жавоб, сўзлашувни қўллаш ва нутқни ажратиш кабиларни ўз ичига олади. Фикр ифодаланишнинг бу формаси фикрнинг дискурсив (мантиқий фикрлашга асосланган) коммуникатив аспекти ҳосил қилади.

Ва ниҳоят нутқ процессида қўшимча маъно қўшиладиган бўлса, бу тилшуносликда прагматик маъно деб айтилади. Прагматик маъно семантик

маънога кўра чуқурроқ бўлиб, унинг таркибида аралаш ситуация, пресуппозициялар мавжуд.

Шу тариқа гап таҳлилининг босқичини аниқлаш мумкин: структурал – синтаксик – семантик – логик – коммуникатив – эмоционал – экспрессив – прагматик – дискурсив – коммуникатив.

Предикативлик. Ҳар бир гапнинг реал борлиқ ҳақида бирор фикр, хабар баён қилиши гап мундарижасининг воқелик билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Бу ҳодиса – гап мундарижасининг реал воқелик билан алоқадорлик ҳодисаси предикация саналади.

Гапни предикация шакллантиради: бу грамматик категория – умуман гапга хос хусусият. Предикативликни кесим кўрсатади. Кесим умумий предикативлик маъносини конкрет модаллик, замон, шахс категориялари орқали ифодалайди. Предикативликни шакллантиришда интонациянинг ҳам иштироки бор: интонация гапга хос бўлган универсиал воситадир. Англашиладики, предикативликни ифодалаш гапнинг парадигмаси – предикативликни билдирувчи бутун формалар системаси билан боғлиқ.

Гап фикрни ифодалайди, маълум мақсадни баён қилади. Бу ҳодиса, биринчидан, шу гапдаги фикрнинг борлиққа муносабати, иккинчидан, сўзловчининг субъектив муносабати – модаллик (реаллик, гумон, тахмин, истак кабилар) билан, замон ва шахс билан боғланади. Демак, предикативлик феъл формалари ва интонация билан ифодаланади:

	Модаллик	интонация
Предикативлик	Замон	феъл

Предикативлик ҳодисаси орқали гап сўз бирикмасидан, предикатив қўшилма предикатив бўлмаган қўшилмадан аниқ фарқланиб туради: *un cheval blanc; la course de cheval* (воқеликка муносабат: реаллик, реал эмаслик, истак каби маънолар, маълум мақсад, замон муносабати кўрсатилмаган; интонацион тугаллик йўқ – бунда фикр ифодаланмайди) – *le cheval est blanc; le cheval court* (предикация ифодаланган; воқеликка муносабат кўрсатилган –

тугаллик, замон муносабати, гапга хос интонация) “Un cheval blanc”, La course du cheval ва le cheval est blanc; le cheval est court кўшилмаларининг анализи шуни кўрсатадики, буларнинг ҳар иккаласида ҳам предмет ва белги тасаввурларининг муносабати ифодаланган, лекин иккинчисидан предметнинг белгиси предикативлик йўли билан кўрсатилган, пайтга муносабат ифодаланган.

Предикативлик масаласи бўйича лингвистикада турли хил қарашлар мавжуд бўлиб, уларни ўрта асосга бириктириш мумкин: денотатив (семантик), логик (мантикий, ички) ва формал синтаксик.

Биринчи ҳолатда предикативлик конкрет ситуацияда ўзаро боғлиқ гаплар сифатида ўрганилади ва гап структураси ҳамда унинг интонациясидан формал ифодани топади.

Логик ёндашув предикативликни фикрнинг икки элементида таркибтопган сўз бирикмаси сифатида аниқлайди: предметнинг маъносини билдириб келувчи субъект ва субъект маъносидаги белгини ифодалаб келувчи предикат. Мантикий нуқтаи назардан олганда предикатив бўлақлар муносабати ажралишнинг тема ва ремасига мос келади.

Формал – синтактик қараш предикативликни грамматик белги ва хусусиятларга эга бўлган эга ва кесимнинг структурал компонент муносабатлари нуқтаи назаридан изоҳлайди.

Шунинг билан бирга бу уч хил қараш ўртасида қарама-қаршилик йўқ, чунки уларнинг ўчаласи бир хил ҳодисани ҳар хил томондан ёритиб беради. Гап реал борлиқнинг инъикос процесси билан боғлиқдир. Бироқ бу мувофиқлик сўзнинг денотатив хусусияти билан боғлиқ: сўз фақат объектнинг номини кўрсатади, гап сифатида шаклланида эса информацион ҳарактер касб этади. Ахборот объектининг мавжудлиги унинг белгиси ва муносабати хусусидатасдиқ ёки инкор маъноларини етказди.

Фикрлаш жараёни воқеликни ажратишни тақозо этади, ажратилган объектлар (предметлар, сифат ва х.к.) ва уларнинг янги бирикмалари шу ҳақиқатда онгда акс этади. Предмет, ҳодисаларни сезиш орқали қабул қилиш,

идрок қилиш, ақл билан фикр қилиш билан уларни ўрганиш ўша предмет, ходисаларни билиш демакдир. Гап эса нутқ жараёнида ҳосил бўлиб, фикрнинг қобиғи сифатида 2 элементдан ташкил топиши зарур: субъект фикрлаш предметиға бевосита боғлиқ, предикат воқеликнинг ўзига хослигини ифодаловчи бўлиб, биз уни тасдиқлаб ёки инкор қилиб субъект билан боғлаймиз. Субстанция тилда отларни уларнинг белгиларини сифат ва феъл шакллари билан ифодалайди, феъл нутқ сўзланиб турган пайтдаги ҳолатни аниқлайди, ҳол сифатида амалга ошириб бўлинган фикр акти белгисини кўрсатади. Шунинг учун ҳам типовой тил шаклининг субъекти от ҳисобланади, предикат эса феълнинг шахс формасидир.

Предикативлик муносабатлари ҳар бир тилда ўзига хос специфик ифодага эга.

Француз тилида предикативлик шакли икки структурасидан эга ва кесимдан таркиб топган. М.: Pierre lit. Шундай қилиб, предикативлик муносабатлари денотатив, логик ва структурал шаклнинг оқибати натижасида шаклланади ҳамда ўз формасини тафаккур ва тил нормаларида намоён этади.

Анъанавий тилшунослик икки составли гапнинг асоси атрибутив логикага тегишли бўлиб, фикр (S-P) предикатнинг субъектга муносабатини ифодалайди деб ҳисоблайди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Pierre lit un livre гапида Pierre - lit предикативнинг асоси, un livre эса предикативнинг кенгайишини кўрсатади. Бироқ, ҳар доим ҳам икки ҳадлик мумкин эмас: Pierre a un livre. Pierre obeit a ses parents. Бу гапда асосий структура уч ҳадли: S+V+(x), икки ҳадлик – қисқа уч ҳадли тузилишга эга. Бу каби уч ҳадли структурали гаплар тўлдирувчи талаб қиладиган нотўлиқ предикативли феъл қўлланилганида ҳосил бўлади (faire, mettre, vouloir ва х.к.)

Гапда бир нечта предикацияларнинг бирлашиши кўп предикативлиликнинг ифодаланиши қўшма гапларда очиб берилади: J'aime mieux cela, mais ne me parlez plus de votre fils.

Предикативликнинг янада мураккаброқ шакли полупредикативлик деб аталиб, у сифатдош, инфинитив обороти, ажратиш каби грамматик формалар билан ифодаланadi. Полупредикатив комплекс алоҳида гапларда ҳам ҳосил қилиниши мумкин:

Il lui parle, penche sur son oreille – Il lui parle, il est penche sur son oreille.

Полупредикатив комплексда шахс, замон, модаллик каби предикация категориясининг мустақил ифодаси қўлланилмайди. Бу маънолар гапнинг асосий предикацияси билан боғлиқликда амалга ошади.. юқорида келтирилган мисолда субъект ва penche сифатдоши билан ифодаланган иш ҳаракат асосий феъл орқали аниқланади. Бу ҳолатларда предикация формал ифода усулини намоён этади: феълнинг шахссиз формаси, оҳанг, ажратиш.

Полупредикатив гаплар таркибида бир қатор воқеа-ҳодисалар изоҳли ётади, улар полипропозиционаллик хусусиятига эга.

Предикативликнинг энг ёпиқ формаси яширин предикативликдир. Бу ҳолатда (гапда на пауза ва на специфик интонация мавжуд) асосий гапдан ажралувчи тўлдирувчи предикатив комплексда на пауза, на интонация мавжуд бўлмайди. Яширин предикативликда полипропозиционаллик сақланиб қолади, бироқ полипредикативлик (яъни кўп кесимлик) йўқолади.

Яширин предикативликнинг икки тури мавжуд:

- ёпиқ предикативлик, гапни алмаштириб келувчи ва отли ёки феълли кесим билан мувофиқ келувчи от сўз туркуми билан ифодаланган лексик жиҳатдан ифодаланган:

La brutalite de ces reponses epouvantait les courtiers en laine = Elle repondait ; Elle etait brutale ; Cela epouvantait les courtiers ;

- яширин предикативлик жараёни кўрсатилмайди ва предикация процессни амалга оширувчи сўзларсиз ифода этилади. Масалан, факультатив ҳолни ифодалашда: **Les enfants jouent dans le jardin – Les enfants jouent. Ils sont dans le jardin;** сифат билан ифодаланганда: **Ces betes sauvages sont dangereuse – comme ces betes sont sauvages, elles sont dangereuses.**

Яширин предикативлик шунингдек, бир составли ва нотўлиқ гаплар учун ҳам характерли ҳолдир. Parlez! гапида предикатив муносабатнинг иккала бўлаги – субъект ва предикат битта сўз таркибида ифодаланган: субъект – шахснинг флексияси (тусланиш формаси II шахс кўплик), предикат – интонация билан биргаликда феъл шакли. Объектив номинатив гап: sifflet/Rumeurs - субъектнинг тафаккури от билан ифодаланган бўлиб, предикат ҳукми интонация орқали субъектнинг мавжудлигини кўрсатади.

Гап структурасида мазмун ва форма ўзаро боғлиқ бўлсада, уларни ёки мазмун, ёки шакли жиҳатдан таснифлаш мумкин.

I. Шакли нуқтаи назаридан таснифлаш:

Формасига кўра гапларни таснифлаганда, биз уларни икки составлик, яъни эга ва кесим нуқтаи назаридан қараб чиқамиз. Қолган барча тиллар асосий шаклни қайта ҳосил қилиш оқибатида вужудга келади.

II. Мазмун жиҳатидан таснифлаганда турли хил белги хусусиятларни эътиборга олиш мумкин. Улардан учтасини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- гапнинг мақсадга кўра турлари: дарак гап (E), сўроқ гап (I), буйруқ, ҳис-ҳаяжон гап (S);
- иш-ҳаракатнинг мувофиқлиги: тасдиқ гап (a), инкор гап (n)

гап

содда – мураккаблашган

қўшма

боғловчили боғловчисиз

икки составли

қисқа синтактик

боғланган

эргашган

тузилишли гап

тўлиқ нотўлиқ

бир составли

сўз-гап

бир составли икки составли

эга шаклига кўра

кесим шаклига кўра

шахс

феълли

ноаниқ шахс

отли

шахссиз

фёъл-отли

- эмоционаллик: ундалма (е), нейтрал (ё).

Бу учта белгининг қўшилиши гарнинг турини кўрсатади.

La vie est bonne

N'est-il pas la?

Mais il pleut !

N'a-t-il pu venir a temps ?

Elle n'est pas la

Lisez plus haut/

Mais il ne pleut pas deja !

Entrez !

Est-il la ?

Qu'on ne me derange pas

Que ferai-je maintenant ?

N'entrez pas !

Гапнинг ядроси дарак, тасдиқ, нейтрал гаплар ҳисобланади.

Гапнинг доимий ёки ўзгарувчан элементлари

Сўз тузилиши лексик ва грамматик белгиларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган. Сўз формасида ҳолатига қараб ўзгарувчан элемент қаторига ёки лексик ёки грамматик белги бўлиши мумкин. Масалан:

Je chante je chantai nous chantons, etc.

Бу ҳолатда chant сўз формаси доимий лексик компонент, ўзгарувчан элемент эса грамматик белгилар (-е, -ai, -ons, etc). Бироқ биз, nous chantons. Nous mangeons, nous partons сўз формасини олсак, бу ерда аксинча грамматик форма (nous...ons) доимий, лексик форма эса ўзгарувчандир.

Қуйидаги гапни таҳлил қилиб кўрайлик:

Pierre est venu

Pierre est-il venu?

Pierre n'est pas venu

Pierre viens !

Pierre viendra

Je veux que Pierre vienne

Pierre viendra, peut-etre

Je ne crois pas que Pierre vienne

Бу гапларнинг ҳаммасида айна бир воқеа, унинг субъект (Pierre) и ва ҳаракати (venir) ҳақида гап кетаяпти. Pierre, venir элементлари барча гаплар учун доимий элементлардир. Улар бир-бири билан ўшимча маънолари замонни кўрсатиши, тасдиқ, сўроқ, инкор, тахмин, реаллик категориялари

сўзловчининг объектга муносабати (je veux, je ne crois pas) ва бошқа жихатларидан фарқ қилади.

Гапнинг бу маънолари ўзгарувчан элементлари. Бу каби доимий ва ўзгарувчан элементлар баъзи бир синтактик назарияларда модус ва диктум сифатида ўрганилади. Диктум (лотинча сўз “фикр, мулоҳаза”) гапда гапирилиши керак бўлган воқеа-ходиса, факт ҳақида хабар беради. Диктум тушунчаси юқорида айтиб ўтган проаозиция тушунчаси билан уйғунлашиб кетади.

Модус (лотинча modus сўзидан олинган “образ, усул”) иш ҳаракат тўғрисидаги муносабатни, сўзловчининг хабарга муносабатини ифодалайди.

Модус ва диктумнинг аниқ бўлакларга ажратиб кўрсатишда эргашган кўшма гаплар структураси катта роль ўйнайди. Агар модус нейтрал бўлса, гапда тушуб қолиши мумкин, масалан, *Pierre est venu* гапида модус бўлиши керак: *Je dis que je sais (sertainement) que Pierre est venu.*

Модус ва диктум ёпиқ сируктурада ҳам ифодаланиши мумкин: *Il faut que Pierre vienne* (сўзловчи тушуриб қолдирилган), *Pierre doit venir* (модус диктум билан биргаликда битта кесимда ифодаланган).

Фикрни ифода этишнинг кўрсатиувчи бу иккала аспект ўртасида қуйидаги мувофиқликни кўрсатиш мумкин:

Предмет ситуацияси	Нутқ ситуацияси
Номинал аспект (пропозиция)	Модал-коммуникатив аспект
Диктум	Модус (Балли)
Ядро	Фраза контексти (Дюбуа)
Тема	Таърифлаш (Потье)

Бир составли гаплардаги бўлакнинг синтактик табиати хусусида

Буйруқ ва инфинитив формадаги бир составли гаплар кесим билан муносабатдор: *Niez tout. – Niez quoi?* Адъектив бир составли гаплар ҳам гапда кесим вазифасида келади. *In-cro-yable!*

Номинатив гаплар феъли гапларга қараганда мураккаброқ. Уларни ёки эга билан ёки кесим билан қиёслашади, ёки уларни икки составли гапларнинг бош бўлаклари билан умуман қиёслаб бўлмайди деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатдан ҳам борлиқ маъносини берувчи гаплар, асосан агар у *Bruit de pas tres proche* типдаги текст кўринишида бошланса бу гапни расмий томондан ҳам кесимли гапга (*c'est un bruit*) ҳам эга; (*Un bruit s'étend...*), ҳам тўлдирувчига (*On s'étend un bruit*) тааллуқли эканлиги эътироф этилади. Бу ердаэга ва кесим оппозицияси нейтраллашади ва от бўлинмаслик жараёнини англатади.

Аниқ маънодаги контекстда номинатив гаплар кесим билан мусабатдор бўлади: - *Je t'autori* бу ерда номинатив гап субъектни тенглаштириш (идентификацияни) кўрсатади. Атов отли номинатив гаплар ҳам кесимга муносабатдор: *Boulangerie. бахо берадиган Quel luxe!*: ундайдиган: *.Patience!(= soyez patiente).....* Номинатив гапнинг бош бўлаги от билан (N) ифодаланган бўлса, одатда у кесим вазифасида келади.

Конкрет от (N) эга вазифасида келиши мумкин:

- *Comment vat a femme? – Très bien.- Et ta fille?*

Бир сосоставли гапларнинг семантик функцияси. Фақат феълли буйруқ майлли гаплар морфологик жиҳатдар шахс ва модалликда ифодаланади. Бир составли гапларда замон морфемаси йўқ, улар ҳозирги ёки яқин келаси замонда қўлланилади. Предикативликнинг (феълли гаплардан ташқари) яна белгиси интонациядир.

Бир составли гаплар маънонинг мавҳумлиги билан ҳарактерланади. Бироқ маъно қанчалик мавҳум бўлса, гап шунчалик контекстда конкрет маъно ифодаланишини талаб этади. Шунинг учун ҳам абстрактлик билан бир составли гапларнинг бошқа томони боҳлиқ. Бир составли гаплар икки составли гапларнинг турли хил турларининг маъносини ифода этиши мумкин:

- сўроқ ёки истак майл хошиш -.Contente de votre rôle ?

Patience!//Au mur!

- инкор: Plus d'autobus, plus de métro.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, бир составли гаплар сўзнинг синтактик функциясини умумлаштиради: баъзи бир ҳолатларда гапнинг бош бўлақларидан бири билан сўзнинг асосий компонентлари орасидаги ўзаро нисбатни аниқлаш қийинчилик туғдиради. Ақтуал бўлақларга ажратишга келсак, бир составли гаплар одатда моноремалар, бунинг устига тема ва ремалар мавжуд компонентнинг эга ва кесимга яқин мувофиқлигига кўра тақсимланади. Борлиқни ифода этувчи L'hiver типидagi гапларда мослашиш мураккабдир, чунки уни гапнинг бирор бир бош бўлаги билан қиёслаб бўлмайди. Улар – моноремалар, бироқ тема ва ремани ифода этадими, бу муаммо фақат контекст мазмунига боғлиқ.

Номинатив гаплар. Улар англатган маънога кўра турли тумандир. Уларнинг конкрет мазмуни таянч отнинг семантикаси орқали, унинг контекста бошқа гаплар билан боғлиқлиги ва ситуацияга мувофиқлиги орқали аниқланади.

Номинатив гапларнинг биринчи функцияси: а) предмет ва шахсларнинг номланиши (сарлавҳа, вивеска ва ҳ.к.); б) мавжудлик, объектив борлиқ ифодаси.

Борлиқ ситуацияла гаплар мавжуд ситуацияни англатади, таркибидаги от (N) замонни, атроф муҳитни ўраб турган табиат ҳолатини, ходиса ва жараёни англатади: Le 22 mai ... Plein nuit ... Eclairages improvisée.

Борлиқ предметли гаплар, предметнинг мавжудлигини ифодаловчи гаплар таркибида конкрет от ифодаланади: Le 22 avril. Le fort de Vanves. Une sale commune. Plusieurs gardes nationaux.²

Ўзининг иккинчи функциясида улар феълли предикативлар билан бир хил маънони англатади:

² В.Г.Гак. теоретическая грамматика французского яз. М., “ВШ” 1986 p.164.

а) тенглаштирувчи ёки таснифловчи: Dans les premiers jours de l'année un enfant naquit. Un fils.

Идентификация (тенглштириш) илгари айтилагн фикр мазмунини очиб берувчи гап гуруҳида амалга оширилиши мумкин: Il y avait à manger partout. Des canards de toutes les couleurs...de grands cochons de riz...des saucisses crues..., etc. Бу номинатив гаплар серияси овқатланишда нималар борлигини санаб кўрсатапти.

б) тавсифловчи: assassins! Incendiaires!

Бу ерда гап объектни баҳолаяпти, унинг даражасини белгилайди. (N – баҳолаш маъносида);

в) жараёнга оид; гап ҳаракат, воқеа-ҳодисани ифодалайди. Одатда бу функцияни феълдан ясалган от (N) бажаради: Attente. Lente Avance. Angoisse d'en tender sonner les heures... Plus d'espoir. Retour à la ville. Nuit infernale. Course matinale. Attente devant la grille.³

номинатив гаплар иш-ҳаракатни мавҳумроқ ҳолатларда эътиборин шу сўзга жамлаб тасвирлаши мумкин. (қиёслаймиз: J'attends; On attend ва Attente)

Жараёнлилик “тўсатдан” маъносини берувчи ҳолни таъкидлаб келади: Brusquement, une alerte. // Alors, soudain, coups de sifflets et matraques en l'air, la charge...

Жараёнлилик конкрет отлар билан ҳам ифодаланиши мумкин, унда воқеалар занжири кетма-кетликда содир бўлади. Манна масалан Лангунинг Рождество кечаси клиника бўйлаб қилган саёҳати: Portes. Couloirs de cloître. Portes. Clés. « Bon Noël , monsieur le médecin-chefs ». Crèches. Briques et sapins. Paroles confuses en flamand, rumeurs étrangères.⁴

Номинатив гаплар иш ҳаракат ва икки конструкция ёрдамида конкрет ситуацияни ифодалаши мумкин: а) бош бўлак – бош бўлакка тобе, сўз Билан ифодаланган субъект ҳаракатни ифодаловчи феълдан ясалган от: Aucun reaction dans la troupe;

³ В.Г.Гак. Теоретическая грамматика французского яз. Синтаксис. М., “ВШ” 1986 p.164.

⁴ В.Г.Гак. Теоретическая грамматика французского яз. Синтаксис. М., “ВШ” 1986 p.164.

б) бош бўлак – бош бўлакка тегишли сифатдош ёки эргашган кўшма гап билан ифодаланган конкрет маънони берувчи субъект (N): L à bas, le quai de blé; les portefaix déchargeant leurs sacs sur le bergr... Le blé, torrent d’or, qui roulait au milieu de la fumée blonde (= les portefaix déchargeaient ; le blé roulait).⁵ Бу каби конструкцияларни “квази-номинатив гаплар” деб аташ мумкин: лексик-семантик жиҳатдан таркибида субъект ва предикат мавжуд, гап формасига кўра бир составли.

Қисқа синтактик структурали гаплар таркибига:

1) бир составли гаплар; 2) нотўлиқ гаплар; 3) сўз-гап (коммуникатив, ўзаро фикр алмашинув, алоқа учун хизмат қиладиган) каби турлар киради.

Бу гаплар ҳар доим ҳам икки составли гапларни қисқартирилган шаклда кўчира олмайди. Истақ, хоҳиш майли, мурожаат, ном, номлаш, хатти-ҳаракат каби қатор коммуникатив маънолар предикатив структурали гапларда (ПСГ) ўз ифодасини топади. Қисқа синтактик структурали гаплар тилда ўзи функцияси тўғрисида тўлақонли фикр, мулоҳаза бера олишини кўрсатади.

Қисқа синтактик структурали гаплар (ССГ) ажралиб қолувчи белгиларига кўра фарқланади:

	Тўлиқ гаплар	Нотўлиқ гаплар
Икки составли гаплар	Икки составли тўлиқ Pierre parle	Икки составли нотўлиқ Au milieu du mur un tableau
Бир составли гаплар	Бир составли тўлиқ - Entrez - Boulangerie - Oui	Бир составли нотўлиқ - A la poste

⁵ В.Г.Гак. Теоретическая грамматика французского яз. Синтаксис. М., “ВШ” 1986 p.164.

Бир составли/икки составли тўлиқ ва нотўлиқ гаплар оппозицияси гапнинг турли томонларга тааллуқлидир.

Нотўлиқ гаплар тўлиқ гапга қарама-қарши қўйилади: унда бош бўлак ёки иккинчи даражали бўлак тушиб қолиши мумкин, буни қуйидаги гапнинг структурал – семантик схемасида кўриш мумкин: *Au milieu du mur (se trouve) un grand tableau. // - Ou vas – tu? – (Je vais) a la poste.*

Икки составли гаплар бир составли гапларга қиёсланади, яъни уларда эга ёки кесимнинг алоҳида таркиби мавжуд эмас. Уларнинг таркиби фақат битта бош бўлакдан иборат, яъни шакли жиҳатдан эга (*Boulangerie*) ёки кесим (*Entrez!*) га мос келади.

Бир составли гапларни биз тўлиқ гап деб айта олишимиз мумкин, чунки унга баъзи ҳолларда “тушиб қолган” бўлакни қўшиб бўлмайди. Масалан, буйруқ формада *Entrez!* Тиридаги гапнинг эгаси бўлмайди.

Икки составли бўлмаган тўлиқ гапларда, бош бўлаклар на эга, на кесимга тааллуқли бўлмайди, у сўз-гап (коммуникатив)ни ҳосил қилади: *Oui.*

Гапнинг табиати тил қурилишининг ўзига хоса хусусиятлари асосида аниқланиши мумкин. Рус ва ўзбек тилларида олмош феълнинг шахс-сон формаси билан бирга келиши шарт эмас: Китобни бер, Сени кутаман, Приеду завтра каби гаплар бир составли (тўлиқ, шахси маълум) гап сифатида эътироф этилади. Француз тили грамматикасида эга феъл олдида албатта олмош бўлиши шарт, *sais pas; Arrive demain* фразалари нотўлиқ ҳисобланади, бир составли гап таркибига кира олмайди.

От ва сифат билан ифодаланган гаплар таснифи баҳс-мунозара туғдиради. *Magnifique! (=c'est magnifique)* типидagi фразаларни баъзи бир авторлар бир составли гапларга, бошқалари нотўлиқ, эллиптик гапларга киритади. Шунингдек, ном, вивеска (парда)га тааллуқли гаплар (*Pharmacie, “Bel Ami”*) табиатига доир масалалар ҳали ҳам ечилгани йўқ. Шунингдек таркибида “таништирув” эленти бор гаплар: *bonheur....comment y parvenir?*, шахсни таништириш: *Qui est-ce? Mon frere*, ва бошқа шу каби гаплар ҳам шулар жумласига киради.

Сўз-гап табиатига доир турли хил фикр-мулоҳазалар айтилмоқда (Qui! Non!, ундов сўзлар: Pan! Allons donc!). Баъзи бир лингвистлар уларни бир сосотавли гаплар таркибига киритади, чунки уларда эллипсис (сўз ёки гап бўлагининг гапда тушиб қолиши) – структурал схема компонентларнинг тушиб қолиши кузатилмайди.

Иккинчи бир гуруҳ лингвистлар уларни нотўлиқ гаплар таркибига киритади, сабаби улар кесим Билан муносабатдор. Учинчи тоифа тилшунослар уларни қисқа синтактик структурали гапларнинг алоҳида туркуми сифатида ажратади.

Бир сосотавли гаплар. Бир сосотавли ва икки сосотавли гаплар орасида ўтимли шакл мавжуд. Улардан учтасини ажратиб кўрсатамиз.

1. Презентатив гаплар. C'est, il y a, voilà каби иборалар. Бу элементлар предикатив характерга эга бўлиб,хизмат операторлари ролини бажаради. Қандай сўзбилан бирикувидан қатъий назар гап ҳосил қилади. Бу ҳолда субъект маълум предметга йўналган бўлиб, воқеа ходиса ёки умумий ситуацияни ифодалайди.

C'est конструкциясининг биринчи функцияси ибора яшаш:

а) тенглаштириш. C'est ma maison; C'est vous le Baron, шунингдек номлаш ҳамдир: C'est la place Independence; б) таснифлаш: Le mot "trust"... Eh bien, c'est un mot anglais; в) тавсифлаш; Ne jurez pas. Ce n'est pas joli. Охирги мисолни таҳлил қилиб, шуни кўришимиз мумкинки, се фақатгина конкрет отларга тегишли бўлмасдан,балки, гап кетаётган бутун бир воқеа-ҳодиса ситуацияга тааллуқли бўлиши мумкин.

Voilà конструкциясининг биринчи функцияси кўрсатишни ифодалаш идентификациясидир: Voilà ma maison.

Il y a конструкциясининг бошланғич функцияси объектив борлиқни ифодасини кўрсатишдир: Il y a de nouvelles maisons dans la quartier.

Бу конструкцияларнинг иккиламчи функцияси бир-бирининг маъносини, ёки ўз маъносидан бутунлай бошқа маънони ифодалаши мумкин:

- Voila субъектнинг тавсифини ифодалайди, бу билан у c'est конструкциясининг маъносига яқин бўлади., бироқ у бу ҳолатда эмоционал бўёқдорлик белгиларини ифодалаши мумкин: *voila du chimerique! // voila qui est bien subtil, Madame;*
- c'est ва *voila* жарайнли отлар билан борлиқни ифодалаб келади.: c'est (*voila*) l'hiver;
- c'est ва *il y a* феълдан ясалган от (N) билан субъектсиз (эга) ҳаракатни ифодалайди. *Il y eut une accalmie, puis, soudain, des detonations claquerent (= on se calma)// Ce fut le pardon (=on pardonna tout).*
- Уччала конструкция ҳам конкрет субъект билан боғлиқ, ҳаракат белгиси *de* предлоги ёки *qui* нисбий олмоши ёрдамида иш-ҳаракатни ифодалаши мумкин: *c'est un train d'essence qui a sauté (=un train a saute) // C'est vingt minutes de gagnes (=vingt minutes sont gagnes) // Il y a sur la route un camion qui avait ete accidente. // Par la suite, il y avait quelque chose de change dans la vie de Robot (=quelque chose a change) // Voila le train qui passe (= le train passe)*

C'est конструкцияси контекстуал (гапнинг тугал фикр англатган бўлаги) хоҳлаган предикатни алмаштириб келиши мумкин: *Je m'excuse. De vou deranger, docteur. C'est pour Jenny Harding (= je vous derange pour Jenny).*

C'est, *voila*, *il y a* конструкцияси ажратувчи белги сифатида грамматик белгига эга бўлиши мумкин. Агар гапда c'est, *voila*, *il y a* тушиб қолса, феълли гап бир составли номинатив гапга ўрин беради: *C'est l'hiver - l'hiver.*

2. Гапни ажратиш. *Pierre, il est venu* типигаги гапни ажратиш интонацияни ўзгариши билан алоқадор бўлиб, қўшма гапларга ўтади.

Аксинча, агар ўрта паузада оҳанг аҳамиятга эга бўлса, гапнинг от қисми гапнинг алоҳида оҳангини юзага келтиради, яъни бита бўлиниш иккита гап ҳосил қилади (“отлаштириш”), кўплаб грамматистлар бу бўлакни бир составли номинатив гап сифатида таҳлил қиладилар. Масалан: *Ces plaines, ces villes, ces montagnes... Il partait libre, lui semblait-il a leur conquete.*

Бу ҳолатларда бита ва иккита гап ораидаги фарқ (бўлақларга ажралган), улар орасидаги бир составли гаплар фақат интонация (оҳанг) орқали аниқланади.

3. Икки составли феълсиз (нотўлиқ) гаплар. Уларни номинатив бир составли гаплардан фарқлаш мураккаброқ. Қуйидаги мисолларни кўриб чиқамиз: (1) *A gauche, bordant sur quelque metres le chemin, un bouquet de chenes* (2). { *Le 26 mai. La barricade detruit du chateau – d'Eau* }. *Grandes lueurs dans le ciel*; (3) { *Le temple d'Apolon* }. *Une statue d'Apollon au milieu de la scene*

Бу уччала гап аниқловчи ва ҳолли от (N)дан иборат, бироқ улар компонентларнинг тартиби ва интонация билан бир-биридан фарқ қилади. Бу икки фактор гап табиатини аниқлашда ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Фраза (1) – кесими (*se trouve*) тушуриб қолдирилган икки сосотавли гап. Фраза (2)да тўлдирувчи бўлақ (*dans le ciel*) кўпроқ ўрин ҳолига қараганда аниқловчи даражасига чиққан (= *celestes*), кесимнинг тушиб қолиши сезилмаган, ўрта пауза йўқ ва барча гаплар номинатив бир составли гаплардир.

Фраза (3) ҳар хил талқин қилиниши мумкин, фраза (1) билан ўхшашлигига кўра бу ерда *se trouve* феълининг элlepсисини кўриб чиқиш мумкин. Баъзи бир лингвистлар фраза (1) типига ўхшаш гапларни номинатив гаплар таркибига киритади, чунки ҳол феълга эмас, балки бутун гапга тегишли.

Шундай қилиб, N+ўрин ҳоли икки ҳолатда номинатив гап сифатида ўрганилиши мумкин:

1) ҳол отнинг аниқловчисига айланиб, компонентларнинг ўзаро мустаҳкам боғлиқлигида (фраза (2) мисол бўлади);

2) компонентлар орасидаги боғлиқлик кучсизланганда, бунда ҳол гапнинг тўлдирувчисига айланади.

Бир составли гаплар таснифи. Бир составли гаплар морфологик хусусиятларига кўра. Бош бўлақнинг сўз туркуми, синтаксик белгисига кўра (эга ёки кесим билан алоқадорлиги) ва семантик белгисига кўра (уларнинг умумий маъноси) таснифланади.

Бош бўлақлар сўзтуркумига кўра гаплар фпрқ қилади: феълли тусланувчи (Entrez!) инфинитивли (Que faire?), субстантивли (Boulangerie) ва препозитивли, яъни от предлог билан келади (A la porte!), олмошли (Moi aussi), адъективли (Etonnant!), равишли (Pas si vite!). бу типларнинг барчаси оддий ва кенг тарқалгандир.

Бу типларнинг баъзи бирлари муаммо туғдиради.

Номинатив гаплар эга ёки предикативнинг синтактик формасида предлогсиз отдан иборат бўлади. Шунингдек, бу формада воситасиз тўлдирувчи ҳам ифодаланиши мумкин. Агар (N) от жавоб репликасида ифодаланган бўлса, бунда воситасиз тўлдирувчи талаб қилувчи феълнинг тушиб қолиши тахмин қилинади, бу гап нотўлиқ гапдир. Масалан: - N'as-tu pas vu passer tout a l'heure, sur le chemin?... – Qui?... Je n'ai rien vu... Si! Devant moi, un promeneur.

Охирги гапда феълнинг эллипсисини j'ai vu, кўриш мумкин, ва бу ҳолатда un promeneur – нотўлиқ гапдир.

Бир составли гапларда отнинг препозитив формаси унинг синтактик жиҳатдан мустақиллиги (Au secours!)да, нотўлиқ гапларда отнинг препозитив шакли жавоб репликаси қайтараётганда намоён бўлади: Ou veut – tu aller? – A la cave (= Je vais a la cave).

Ҳозирги замонда номинатив ва адъектив гаплар etre билан келувчи икки сосотавли гапларга синонимик қаторни ҳосил қилади; қиёслаймиз: La nuit. C'est la nuit; C'est interessant ва tres interessant.

Бошқа замонларда “etre” феълли конструкцияни қўллаш мумкин. (C'etait la nuit). Замон ўзгариши билан ҳосил бўладиган бу жараён туфайли баъзи бир тилшунослар c'est, il y a, voila конструкциялари бир составли гаплар эллипсиси таркибида ўрганиб, уларни нотўлиқ гаплар сирасига қўшадилар. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, замонавий тилда иккита структура мавжуд: икки составли тўлиқ замон парадигмасигага эга гаплар ва биринчи гапга тобе бўлмаган бир составли гаплар кўпчилик ҳолларда бир составли гаплар таркибига c'est ёки il y a конструкциясини киритиш мумкин эмас.

Конструкциялар маъно бўёқдорлиги билан ажралиб туради. Масалан: Etonnant! Hallucinant! ва c'est ravissant! (бир составли гаплар) эмоционал даражасининг кучлилиги билан ажралиб туради. Ж.Р.Блокнинг “Toulon” пьесасидаги ремаркаларни кузатиш мумкин: Un bar a metelots, a Toulon... Une musique sort du poste de radio. C'est le matin. // Le quai de Grobstadt, a Toulon, devant le bar Conquebert. La nuit. Les éclairs des detonations... Гап формаси ҳолатларига кўра фарқланади: Бир составли гаплар чизиб, тасвирлаб беради, аксинча икки составли гаплар илгариги тасвирни қисқа баён қилади.

Хулоса

Француз тилидаги содда гаплардаги синтактик муносабатларнинг ифодаланишини ўрганиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Предикацияда модаллик асосий ўрин тутди, айтилаётган фикрнинг реал ҳолатга муносабати (тасдиқ – инкор, мумкинлик, тахмин, шубҳа кабилар).

2. Гаплар ўз структурасига икки турга бўлинади: содда гаплар ва қўшма гаплар.

Содда гаплар структура ва интонация жиҳатидан шаклланган бўлиб, бир нисбий тугал фикрни ифодалайди, ҳамда у эга ва кесимдан ёки эга – кесим ва иккинчи даражали гап бўлакларидан иборат бўлади.

3. Содда гаплар турли хусусиятлари асосида ҳар хил таснифланади: 1) бош бўлақларнинг составига кўра бир составли гаплар ва икки составли гапларга бўлинади; 2) иккинчи даражали бўлақларининг иштирок этиш – иштирок этмаслигига қараб, йиғиқ ва ёйиқ гапларга бўлинади; 3) зарур бўлақларнинг бўлиш – бўлмаслигига қараб, тўлиқ ва тўлиқсиз гапларга бўлинади.

4. Француз ва ўзбек тилларида шахсиз феълларнинг синоними номинатив гап ва аналитик субъектли конструкциялардир (N s + V Il pleut – La pluie tombe)

5. Француз тилидаги эгали гап ўзбек тилидаги воситали ёки воситасиз тўлдирувчига мувофиқ келади. (Масалан: J'ai fait → оч қолдим).

6. Ўзбек тилидаги шахсиз гап француз тилидаги шахсли **cela, ça** кўрсатиш олмошига тўғри келиши мумкин.

7. Фикрнинг ахборот етказиш аспектига кўра гапни икки қисмга ажратиш мумкин: тема, ҳамсухбатга маълум ахборотни ташувчи, рема эса гапдаги фикрни етказувчи янги ахборот. Тема ва реманинг муносабати гапнинг коммуникатив структурасини ҳосил қилади.

8. Француз ва ўзбек тилида гап қурилишининг коммуникатив муносабатларини ифодалашда интонацион, синтаксик ва лексик воситалар қўлланилади.

9. Француз тилидаги сўдда гаплар ўзбек тилида ўзига хос ифода формасига эга ва ўзбек тилига муқобиллик асосида таржима қилинади.

Умуман олганда, француз тилидаги содда гаплар структураси хусусан биргина конструктив бирликдан ташкил топиши билан бирга характерланади, улар орасидаги синтактик муносабатлар мослашув, битишув, бошқарув ҳамда интонацион, лексик воситалар орқали боғланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алисова Т.Б. Очерки синтаксиса современного итальянского языка. М., 1971.
2. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. М., 1955
3. Будагов Р.А. Французская стилистика. М., 1976
4. Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическое учение о слове. М., 1987
5. Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. Морфология. М., 1986
6. Гак В.Г. Повторная номинация и ее стилистическое использование. – Вопросы французской филологии. М., 1972.
7. Илия Л.И. Синтаксис современного французского языка. М., 1962.

8. Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. М., 1977.
9. Шигаревская Н.А. Очерки по синтаксису современной французской разговорной речи. Л., 1970
10. Andrievskaya A.A. Syntaxe du français moderne. М., 1978
11. Benveniste E. Problemes de linguistique generale. P., 1986
12. Referovskaja E.A. Essai de grammaire française. Cours theorique. Partie 2. М., 1983
13. Махмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик – синтактик асимметрия. Ўзбек тили ва адабиёти. Т., 1980. № 3.
14. Фуломова А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Т., 1987
15. Фуломов А. Г. Ўзбек тили синтаксисининг баъзи масалалари. Ўзбек тили ва адабиёти, 1968., 2-сон.